ҚҲММБ: 09/20/557/1291-сон
17.09.2020 й.

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 16 » сентябрь № 557 Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларини кўриб чиқишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

"Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 52-моддасига мувофиқ, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларини кўриб чиқиш жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ва ушбу соҳада кўрсатилаётган давлат хизматларининг сифатини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг 52-моддасига мувофиқ фуқаролик масалалари бўйича манфаатдор давлат органлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни таъминлаш, шунингдек, ҳужжатларни ва маълумотларни киритиш, ҳисобга олиш ҳамда мониторинг қилиш мақсадида **Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларига оид идоралараро маълумотлар базаси шакллантирилиши** белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда Давлат хавфсизлик хизмати "Паспорт-виза" автоматлаштирилган ахборот тизими мажмуасини модернизация қилиш орқали унинг таркибида қуйидагиларни назарда тутувчи **"E-Fuqaro" идоралараро маълумотлар базасини** (кейинги ўринларда – "E-Fuqaro" ИМБ) жорий этсин:

фуқаролик масалалари бўйича аризаларни қабул қилиш ва уларни кўриб чиқиш билан боғлиқ тартиб-таомиллар автоматлаштирилади;

фуқаролик масалалари бўйича тушган аризалар идоралараро электрон ҳамкорлик йўли билан манфаатдор вазирликлар ва идоралар ўртасида кўриб чиқилади ҳамда уларга тегишли муносабат билдирилади;

фуқароликка қабул қилиш, уни тиклаш, ундан чиқиш ва уни йўқотиш бўйича ягона маълумотлар базаси шакллантирилади.

ҚҲММБ: 09/20/557/1291-сон
17.09.2020 й.

3. Қуйидагилар:

давлат органлари ва ташкилотларининг “E-Fuqaro” ИМБ орқали реал вақт режимида маълумотлар базасига киритиладиган маълумотлари ҳамда идоралараро ўзаро электрон ҳамкорлик орқали айирбошланадиган маълумотлар схемаси 1-иловага мувофиқ;

“E-Fuqaro” ИМБни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш бўйича чора-тадбирлар дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги “E-Fuqaro” ИМБнинг ягона буюртмачиси ва сақловчиси ҳисобланади;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан фуқароларни Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш ҳақидаги аризалари реал вақт режимида “E-Fuqaro” ИМБ орқали қабул қилинади.

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига Давлат хавфсизлик хизмати, Мудофаа вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази, Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда доимий равишда идоралараро электрон ҳамкорлик воситаси орқали алмашинадиган маълумотларни амалдаги қонун ҳужжатлари талабларидан келиб чиққан ҳолда янгилаб бориш, олиш ва беришда фойдаланиладиган ахборот тизимларини “E-Fuqaro” ИМБ билан ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилиш юклансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда:

фуқаролик масалалари бўйича аризаларни кўриб чиқиш учун зарур бўлган давлат божи тўловлари, давлат хизматлари кўрсатилганлиги учун тўланган давлат божлари ва йиғимлари “Электрон ҳукумат”нинг ягона биллинг тизими орқали амалга оширилишини таъминласин;

2021 йил 1 январга қадар – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фуқаролик масалалари бўйича мурожаатлар Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали, хорижда доимий истиқомат қилаётган шахслар томонидан Ташқи ишлар вазирлиги веб-сайтида жойлаштирилган интерактив консуллик хизмати орқали дастлабки ариза юбориш механизмини кейинчалик шахсан келиб мурожаат қилиш шартини инобатга олган ҳолда жорий қилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги “E-Fuqaro” ИМБ доирасида иштирок этувчи вазирликлар ва идораларнинг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича мазкур лойиҳани амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

ҚҲММБ: 09/20/557/1291-сон
17.09.2020 й.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси – IT-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи О.М. Умаров ҳамда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM № 3

ҚҲММБ: 09/20/557/1291-сон
17.09.2020 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 16 сентябрдаги 557 -сон қарорига
1-илова

Давлат органлари ва ташкилотларининг “E-Fuqaro” ИМБ орқали реал вақт режимида маълумотлар базасига киритиладиган маълумотлари ҳамда идоралараро ўзаро электрон ҳамкорлик орқали айирбошланадиган маълумотлар СХЕМАСИ



ҚҲММБ: 09/20/557/1291-сон
17.09.2020 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 16 сентябрдаги 557 -сон қарорига
2-илова

“E-Fuqaro” ИМБни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш бўйича чора-тадбирлар ДАСТУРИ

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
1	Фуқаролик масалалари бўйича ҳужжатларни ваколатли органлар томонидан кўриб чиқишни “E-Fuqaro” электрон тизимга ўтказиш бўйича муаммоларни аниқлаш ва мавжуд техник имкониятларни ўрганиш.	Фуқаролик масалалари бўйича ҳужжатларни кўриб чиқишда вазирликлар ва идораларнинг ахборот тизимларини “E-Fuqaro” идоралараро маълумотлар базасига интеграциялаштиришни ўрганиш натижаси бўйича юзага келиши мумкин бўлган муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлаш.	2020 йил сентябрь	Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Олий суд, Бош прокуратура, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Давлат хизматлари агентлиги, Давлат персоналлаштириш маркази
2	“E-Fuqaro” ИМБни яратиш бўйича техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш.	“E-Fuqaro” ИМБга уланиш учун техник йўриқнома ишлаб чиқиш, тегишли идора ва ташкилотлар билан келишиш.	2020 йил сентябрь	Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Олий суд, Бош прокуратура, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат персоналлаштириш маркази, “Ўзсувтаъминот” АЖ
3	Фуқаролик масалалари бўйича аризаларни идоралараро электрон ҳамкорликни қўллаган ҳолда автоматлаштирилган тизим орқали қабул қилиш, кўриб чиқиш тартибини жорий этиш.	Фуқаролик масалалари бўйича аризаларни идоралараро электрон ҳамкорликни қўллаган ҳолда автоматлаштирилган тизим орқали қабул қилиш, кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги қўшма қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2020 йил сентябрь	Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат хизматлари агентлиги, Олий суд, Бош прокуратура, Давлат персоналлаштириш маркази

ҚҲММБ: 09/20/557/1291-сон
17.09.2020 й.

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
4	"E-Fuqaro" ИМБни амалиётга жорий этиш доирасида ваколатли органларнинг ахборот тизимлари самарали ишлаши учун зарур техник қурилма ва сервер ускуналарини модернизация қилиш.	"E-Fuqaro" идораларарo маълумотлар базасини амалиётга жорий этиш доирасида ички ахборот тизимларини модернизация қилиш чораларини кўриш, харид қилинган аппарат воситалари ва дастурий маҳсулотларни "Киберхавфсизлик маркази" давлат унитар корхонасидан аттестация ва сертификациядан ўтказиш.	2020 йил сентябрь	Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат персоналлаштириш маркази, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқалар
5	Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП)дан фуқаролик масалалари бўйича ҳужжатларни электрон тарзда юбориш, қабул қилиш жараёнларини жорий қилиш.	1. ЯИДХПда давлат хизмати шаклини ишга тушириш бўйича техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш. 2. Фуқаролик масалалари бўйича хизматни ЯИДХПда ишга тушириш.	2020 йил сентябрь 2020 йил сентябрь	Ички ишлар вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
6	Хорижда доимий истиқомат қилаётган шахслар томонидан фуқаролик масалалари бўйича мурожаатларни Ташқи ишлар вазирлиги веб-сайтида жойлаштирилган интерактив консуллик хизмати (ТИВ ИКХ) орқали дастлабки ариза юбориш тартибини белгилаш.	1. ТИВ ИКХда интерактив шаклда фуқаролардан аризаларни қабул қилиш учун техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш. 2. Техник ҳужжатлар асосида аризаларни қабул қилишни амалиётга жорий этиш.	2020 йил ноябрь 2020 йил декабрь	Ташқи ишлар вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги
7	Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фуқаролик масалаларини кўриб чиқиш учун мавжуд давлат божи ва йиғимларни электрон тарзда амалга ошириш механизмларини жорий қилиш.	1. Фуқаролик масалалари бўйича мавжуд давлат божи ва йиғимларни "Электрон ҳукумат"нинг ягона биллинг тизимига улаш учун ҳисобрақамлар очиш. 2. "E-Fuqaro" ИМБни "Электрон ҳукумат"нинг ягона биллинг тизимига улаш.	2020 йил октябрь 2020 йил ноябрь	Марказий банк, Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Марказий банк

ҚҲММБ: 09/20/557/1291-сон
17.09.2020 й.

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
8	“E-Fuqaro” ИМБни ишга тушириш.	1. Фуқаролик масалалари бўйича мурожаатларни ваколатли органлар томонидан “E-Fuqaro” ИМБ орқали кўриб чиқишни синовдан ўтказиш. 2. Синов натижалари бўйича “E-Fuqaro” ИМБда аниқланган нуқсонларни бартараф этиш ва ахборот тизимини амалиётга жорий қилиш. 3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли тузилмасига “E-Fuqaro” ИМБни кузатиб бориш ваколатини бериш.	2020 йил сентябрь 2020 йил сентябрь 2020 йил сентябрь	Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати
9	“E-Fuqaro” ИМБни ишга тушириш.	Амалга оширилган ишлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳамда Вазирлар Махкамасига ахборот бериб бериш.	2020 йил октябрь	Ички ишлар вазирлиги

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM № 3